

**Ўлим жазосининг бекор қилиниши – демократиянинг
ўзига хослиги**

Ўзбекистон ўз мустақиллигининг дастлабки кунлариданоқ суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ этилиши, жиной жазолар тизимини босқичма-босқич либераллаштирилиши, айниқса, ўта оғир жиноятлар жумласига киритилувчи жиноятлар рўйхатини камайтирилиши, содир этилган жиноятлар учун айбдорларга нисбатан шахсни жамиятдан ажратиш билан боғлиқ бўлмаган муқобил жазо турларини тайинланиши, ярашув институтини жорий этилиши ўзининг ижобий натижаларини бермоқда. Шунингдек, жиной жазолар тизимидан ўлим жазосини чиқариб ташлаш борасида олиб борилаётган ҳуқуқий ислохотлар амалдаги қонунчилигимизни тобора инсонпарварлик тамойилларини ўзида мустаҳкамлаб, инсонни олий қадрият даражасига кўтарилиб бораётганидан далолат беради.

Олинган маълумоталарга кўра, ўлим жазосини бекор қилишни назарда тутувчи халқаро ҳужжатларни ратификация қилаётган давлатларнинг сони ортиб бормоқда. БМТ нинг маълумотига кўра, 1989 йил ва 1995 йиллар оралиғида дунёнинг 25 давлатида ўлим жазоси расман бекор қилинган. 14 давлатда жумладан, Аргентина, Бразилия, Буюк Британия, Греция, Исроил, Канада, Кипр, Мексика, Непалда ўлим жазоси фақатгина фавқулодда ҳолатлардаги қўлланилиши мумкинлиги белгиланган. 30 давлатда эса жиноят қонунчилигида ўлим жазосини сақлаган ҳолда, уни амалда қўлламай келмоқдалар (масалан, Бельгия, Чили, Конго, Гватемала, Туркия).

Ҳозирги пайтда дунёдаги 83 мамлакатда, жумладан, АҚШнинг қатор штатларида, Хитой, Африка ҳамда қатор Европа давлатлари жиноят қонунчилигида ўлим жазоси жиной жазо тариқасида мавжуд.

2005 йилнинг 1 августида юртбошимиз И.А.Каримов томонидан «Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида»ги Фармоннинг чиқарилиши мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимидаги ҳам ижтимоий, ҳам сиёсий аҳамиятга молик бўлган воқеалардан бири бўлди. Мустақил Ўзбекистонимиз айрим давлатлар асрлар давомида уддалай олмаган, ўлим жазосини бекор қилиш борасидаги ишни, тарих саҳифаси учун жуда ҳам оз фурсат ҳисобланган 16 йил ичида амалга ошира билди.

Ўзбекистонда ўлим жазосининг бекор қилиниши айни вақтда бу ижобий ўзгаришлар мамлакатимиз қонунларига, шу жумладан, жиноят-ижроия қонунчилигида мавжуд бўлган жиной жазоларнинг ижро этиш тартиби ва шартларига ўзгартиришлар киритиб, уларни янада халқаро ҳуқуқ меъёрлари ҳамда стандартларига мос ва хос бўлишини таъминламоқда.

Мамлакат Президенти ташаббуслари билан ўлим жазосини бекор қилиниши нафақат жазо тизимида ва жиноят-ижроия сиёсатидаги ижобий ўзгаришлардан бири бўлиб қолмасдан, балки Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар бўйича конвенцияси ва Инсон

* ТДЮИ ўқитувчиси.

ҳуқуқлари бўйича Европа конвенциясининг «ўлим жазосини ҳар бир инсоннинг яшаш ҳуқуқига зид деб ҳисобловчи принципларига мос келиши билан ҳам характерлидир.

Ўлим жазосининг қўлланилиши ёки қўлланилмаслиги муаммоси инсон ҳуқуқларининг халқаро миқёсдаги ҳимояси билан узвий боғлиқдир. Шу боисдан ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида бир неча халқаро ҳужжатлар қабул қилинган. Бундай ҳужжатлар қаторига «Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро Пакт»га иккинчи факультатив Баённомани (1989 йил), Европа Иттифоқи томонидан 1983 йилда қабул қилинган «Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги Европа конвенцияси» га олтинчи Баённомани киритишимиз мумкин. Булардан ташқари, сўнгги йилларда БМТ томонидан ҳам ўлим жазосини бекор қилиш ёки уни қўлламаслик тўғрисида қатор халқаро меъёрлар ишлаб чиқилди.

Президентимиз томонидан қабул қилинган Фармонда биринчидан, ўлим жазосини умрбод ёки узоқ муддатли озодликдан маҳрум қилиш жазоси билан алмаштирилган шахсларни сақлаш учун мажмуа ва иншоотлар қуриш, зарур шарт-шароитларни яратиш, ана шу муассасаларда ишлаш учун ходимларни тайёрлаш билан боғлиқ бир қатор ташкилий-тайёргарлик ишларини амалга ошириш лозимлиги; иккинчидан, жиноят, жиноят-процессуал, жиноят-ижроия қонун ҳужжатларини пухта ишлаб чиқиш ҳамда ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ушбу соҳадаги халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларни ўлим жазосини бекор қилган ва ўлим жазоси ўрнига умрбод ёки узоқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосига ҳукм қилинган шахсларнинг жазолари ижро этилишини ташкил этиш тажрибасига эга бўлган хорижий мамлакатларнинг тегишли қонун ҳужжатларини чуқур ўрганиб чиқишни ҳисобга олган ҳолда амалга оширилиши муҳим вазифа ҳисобланиши белгиланган эди.

Ҳозирда давлатимизда Фармондан келиб чиқиб, ўлим жазосини бекор қилиш ва унинг ўрнига умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазосини жорий қилиш учун барча шарт-шароитлар яратилди. Ўлим жазосини бекор қилиш ва умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазонини жорий қилиш тўғрисидаги қонуннинг қабул қилиниши инсонпарварлик тамойилининг ёрқин ифодаси бўлди.